

## **REFORMS IN THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION AND THEIR IMPACT ON FINANCIAL STABILITY**

This article examines the impact of the development of the higher education system, changes in the legal acts adopted in the country, ways to improve the financial sustainability of universities and admission processes.

**Keywords:** higher education institutions, students, scholarships, financing, financial sustainability, state budget, state grants, paid-contract

It is essential when taking into account the need to start the reform of the education system from its lower part ,that is, pre-school education . In order to improve the pre-school education system in the country, the Decree of the President ,“On measures to further improve pre-school education in 2017–2021” was adopted on December 29, 2016 and also, specific tasks were set to improve organization of preschool education more effectively.

Above mentioned reforms are carried out not only in the system of preschool education, but also in the system of higher education. These institutions are the key of the educational institutions that specialize in all sectors of the economy.

Nowadays, there are some problems in higher education institutions, and therefore, on October 24, 2018, the President of Uzbekistan held a meeting and mentioned about the problems of educational sphere and targeted on the further development of higher education, improving the quality of training, expanding the integration of science and production. These followings were criticized:

1. the professors who works in the prestigious universities , their scientific potential don't occupy a worthy place in the international scientific community;
2. the involvement of international highly qualified professors and teachers is not involved in educational process;
3. the introduction of innovative methods, ensuring the harmonization of the curriculum with production and, most importantly, level of training of professors and teachers are not satisfactory;
4. the higher education system is not qualified for the demand of economy when the economy is rapidly developing;
5. and others problems.

The primary goal of implemented reforms in our country in the recent years is to create conditions for further improving the living standards of the population, which ensures healthy and peaceful life of our nation. For this purpose, first of all, provision of all branches and industries of our country with the perspective, honest, knowledgeable, self-motivated, professional, responsible, energetic, pure and creative

experts is of great importance. In this regards, the role of family and then ultimately educational institutions in the upbringing of such personnel is incomparable.

This article discloses results of researches of foreign scientists, including Ngo Van Long, Futaو Huang, Simeon Marginson, as well as such local economists as D.Rahmonov, B.Tuyunov, X.Rejapov, D.Pulatov and Z. Khurozov<sup>1</sup> and gives information about relevant conclusions formed.

The article also examines the impact of reforms in our country, in particular, the changes in the higher education system, new forms of education, the expansion of the independence of the financial management system of higher education institutions regarding the financial sustainability of higher education institutions.

During the research, the following scientific conclusions were reached:

- main goal of the development of higher education institutions in our country is to provide all sectors and areas with highly-skilled specialists and to increase the inclusion of the population with higher education;

- admission to higher education institutions and forms of education have a direct impact on the financial sustainability of higher education institutions;

- introduction of correspondence and evening education forms in our country will provide access to higher education for students who are not involved in the one;

- The possibility of determining the amount of differentiated payment contract to higher education institutions will increase the competition between higher education institutions and etc.

Taking this into consideration, the following recommendations have been reached to enhance financial sustainability of higher education institutions:

- grant the right to higher education institutions to not only determine the amount of differentiated contract payment, but also to project the amount of basic contract payment (in order to avoid the artificial increase in the amount of contract payment, it is also necessary to define its maximum amount);

- gradual transfer of higher education institutions to self-financing system;

- state support and incentives by the government for the introduction of distance education in higher education institutions;

- introduction of the credit system in all higher educational institutions of our country;

- in our country there is a need to expand higher education institutions in the form of private, foreign, limited liability companies, including public-private partnerships and joint-stock companies.

---

<sup>1</sup>Ngo VanLongFinancing higher education in an imperfect world // Economics of Education Review, Volume 71, August 2019, Pages 23-31, Futaو Huang Higher education financing in Japan: Trends and challenges // International Journal of Educational DevelopmentVolume 58,January 2018, Pages 106-115, SaymonMarginson Global trends in higher education financing: The United Kingdom // International Journal of Educational DevelopmentVolume 58,January 2018, Pages 26-36, D.Rahmonov Improvement of methodological bases of financing social sector in Uzbekistan, Doctor of Economics (dsc) dissertation abstract, Tashkent, 2018, B. Tuyinov, Budgeting of financial and economic support of higher educational institutions // Business-Expert scientific journal , № 12 (108) -2016, X.Rejapov Foreign experience on financing higher education // Economics and Finance, №9, 2012. pages 31-35, D.Pulatov, Z. Khurozov Higher educational institutions and Institutions and increasing financial independence of their institutions// Business-Expert scientific journal, №1 (133) -2019.

Шеров Алишер Бакберганович  
ТМИ, таянч докторант  
[sherbek8910@mail.ru](mailto:sherbek8910@mail.ru)

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Ушбу мақолада олий таълим тизимини ривожлантириш, бу борада мамлакатимизда қабул қилинган меъёрий-хукуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар, олий таълим муассасалари молиявий барқарорлигини ошириш йўллари ва унга ўқишига қабул жараёнларининг таъсири ўрганилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим муассасалари, талаба, стипендия, молиялаштириш, молиявий барқарорлик, давлат бюджети, давлатгранти, тўлов-контракт

### РЕФОРМЫ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ФИНАНСОВУЮ СТАБИЛЬНОСТЬ

В данной статье рассматривается влияние развития системы высшего образования, изменений в нормативно-правовых актах, принятых в стране, путей повышения финансовой устойчивости вузов и процессов приема.

**Ключевые слова:** высшие учебные заведения, студенты, стипендии, финансирование, финансовая устойчивость, государственный бюджет, государственные гранты, платный-контракт

### КИРИШ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлардан бирламчи мақсад, албатта, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг соғлом, озод, тинч ва осойишта мамлакатда яшашлари учун етарли шарт-шароитларни яратишдан иборатdir. Бунинг учун авваламбор, мамлакатимизнинг барча тармоқ ва соҳаларини вижданли, ҳалол, билимли, ўз давлати ва касбини севувчи, масъулиятли, интилувчан, соф ва бунёдкор фикр ҳамда ғояларга эга бўлган, келажакни кўра оладиган мутахассис кадрлар билан таъминлаш зарурдир.

Бундай кадрларни тарбиялашда албатта аввало оила, сўнгра кейин эса таълим муассасаларининг ўрни бекиёсdir. Бу ҳақда президентимиз Ш.Мирзиёев 2016 йилнинг 7 декабряда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишлиланган маърузасида қуидаги сўзларни таъкидлаб ўтганлар: “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз” [1].

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам Президентлик лавозимига бажаришга киришган вақтларданоқ мамлакатимизда мавжуд муаммоларнинг асосий сабабларидан бири бу таълим тизимининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, уни эътибордан четда қолдирганимиз, ўқитувчи шаънини қадр-қиммати тушиб кетганлигини ўз маъruzаларида алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ**

Олий таълим муассасаларини самарали молиялаштириш, унинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича бир қатор хорижий ва маҳаллий олимларимиз ўз тадқиқотларини олиб боришган ҳамда тадқиқотларини давом этмоқдалар.

Жумладан, хорижий олимлардан Нго Ван Лонг ўзининг “Financing higher education in an imperfect world” номли илмий мақоласида олий таълимни талабаларга давлат томонидан ажратиладиган шартли кредитлар орқали молиялаштириш ғоясини илгари сурган[2].

Футао Хуанг ўзининг “Higher education financing in Japan: Trends and challenges” номли мақоласида миллий, маҳаллий ва хусусий олий таълимни муассасалари ҳамда уларни молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилган[3].

Саймона Маргинсона ўзининг “Global trends in higher education financing: The United Kingdom” илмий мақоласида Буюк Британияда олий таълимни молиялаштиришда давлат, хусусий ва шериклик (давлат-хусусий шериклик) асосида молиялаштириш тизими ўрганилган[4].

Маҳаллий бир қатор олимлар ҳам ушбу мавзу бўйича бир қатор тадқиқот ишларини олиб борган бўлиб, и.ф.д., доцент Д.Рахмонов ўз тадқиқотларида олий таълим муассасаларида қўшимча хизматлар кўрсатиш орқали олий таълим муассасаларига бюджетдан ташқари маблағларни кенг жалб қилиш ҳамда тижорат банклар томонидан бериладиган таълим кредитларини кам фоизли ва узоқ муддатга берилиши лозимлигини таъкидлаб ўтганлар[5].

Тадқиқотчи Б.Тўйинов эса олий таълим муассасаларининг молиявий-иктисодий таъминотини бюджетлаштириш масалаларига эътибор қаратган[6].

Тадқиқотчи Х.Режапов ўз тадқиқотида хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, мамлакатимизда ундан фойдаланиш бўйича илмий хулоса ва тавсиялар шакллантирган[7].

Тадқиқотчи Д.Пулатов ҳамда З.Хурозовлар ўз тадқиқотларида олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини ошириш юзасидан тадқиқот ишларини олиб боришган[8].

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР**

Мамлакат таълим тизимини ривожлантиришни таълим тизимидағи ислоҳотларни унинг қуий бўғинидан, яъни мактабгача таълим муассасаларидан бошлиш зарурлигини таъкидлайдилар ва мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 2016 йилнинг 29 декабряда “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарорини қабул қилдилар[9].

Таълим соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар нафақат мактабгача таълим, балки олий таълим тизимида ҳам олиб борилмоқда. Чунки иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини мутахассис кадрлар билан таъминловчи асосий таълим муассасаси бу олий таълим муассасаларида.

Хозирги кунда олий таълим муассасалари фаолиятида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, бу ҳусусида юртбошимиз 2018 йилнинг 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағищланган йигилиш ўтказиб, йиғилишда куйидаги танқидий фикрларни билдириб ўтганлар:

- олий таълим муассасаларининг нуфузи, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти халқаро илмий ҳамжамиятда муносиб ўринга эга эмаслиги;

- таълим жараёнига дунёда тан олинган фан арбоблари, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш яхши йўлга қўйилмагани;

- таълим жараёнига инновацион методикаларни жорий этиш, ўкув дастурларининг ишлаб чиқариш билан ҳамоҳанглигини таъминлаш ва энг асосийси, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари умуман қониқарсиз аҳволда эмаслиги;

- итисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда олий таълим тизими тараққиётнинг локомотиви бўлиш ўрнига, замон билан ҳамқадам бўлмаётганланлиги ва бошқалар. [10]

Шу билан бирга олий таълим муассасаларига талабалар қабулининг соддалашган тизимини жорий этиш орқали қабул жараёнини квота тизимидан давлат буюртмаси ва табақалашган тўлов-контракт тизимиға ўтказиш зарурлиги, олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини ошириш, педагог кадрларнинг илмий-педагогик фаолиятини муносиб рағбатлантириш мақсадида марказлашган молиялаштиришдан ўз-ўзини молиялаштириш ва иқтисодий мустақил тизимга ўтиш лозимлиги юртбошимиз томонидан таъкидланди.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти олий таълим тизимиға қаратилаётган эътиборнинг қай даражада эканлигини кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда олий таълим тизимини ривожлантириш борасида қабул қилинган асосий ҳужжатлар сифатида қўйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3876-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3389-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3655-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4319-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019/2020 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари рейтингини аниқлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 467-сонли қарори ва бошқалар.

Ушбу хужжатлар ичida энг сўнгти қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019/2020 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сонли қарори нафақат мамлакатимиз олий таълим муассасаларига қабул жараёнини такомиллаштиришга, балки олий таълим муассасаларини молиявий жиҳатдан таъминланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Барча мамлакатларда олий таълим – мамлакат иқтисодий ўсишининг муҳим воситаси ҳисобланади. Бироқ, олий таълимни қандай молиялаштириш бўйича жаҳонда ягона консенсус (келишув) йўқ. Европа мамлакатларининг кўпчилигига олий таълим асосан бепул. АҚШ, Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия каби бошқа ривожланган мамлакатларда талабалар университет ёки коллежларга бориш учун катта микдорда ҳақ тўлашлари керак. Бундай тўловларни тўлаш учун кўпчилик ёшлар ўз олий таълимини молиялаштириш учун қарз маблағларидан фойдаланишади, баъзилари эса олий маълумотсизлигича қолади [2].

Мамлакатимизда ҳам олий маълумотли бўлишни хоҳловчилар учун қулай бўлши учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4359-сонли қарорининг 2-бўлим в-бандига мувофиқ тўлов-контракт асосида таълим олаётган барча босқич талабаларига, ўз хоҳишларига кўра тўлов-контракт қийматини стипендияли ёки стипендиясиз шаклда тўлаш ҳуқуки берилиши белгиланган. Яъни, эндиликда талаба ўз хоҳишига кўра стипендияли контракт

шаклини танласа, таълим йўналиши учун умумий белгиланган миқдордаги контракт суммасини олий таълим муассасасига тўлайди, агар стипендия олмаса таълим йўналиши учун умумий белгиланган контракт суммасидан камайтирилган миқдорда контракт суммасини тўлайди. Хўш, бу талабага қандай ёрдам беради? Олий таълим муассасасига қандай таъсир қиласди?

Биринчидан, и.ф.д. Д.Рахмонов олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказган сўровнома натижасига мувофиқ, талабаларнинг контракт суммасини асосий тўловчилари бу уларнинг ота-оналаридир[5]. Қолаверса, ўқув йилининг 1 марта қадар (1 курслар 15 сентябргача) контракт суммасининг 50 фоизини тўлашлари лозим. Иқтисодий йўналишларда бу ўртача 5,5 млн.сўмдан кўпроқ дегани. Бу эса аксарият оилаларга оғирлик қилиши мумкин. Бу тизимнинг жорий қилиниши ва контаркт суммасининг ўртача ЭКОИХ 20 баробари миқдорида камайтирилиши (ўртача 12 ой учун 0,5 коеффитцентдаги стипендия миқдорига) талабаларга ўқув йили давомида ўртача 4,1 млн.сўм маблағнинг кам тўлашига, ярим йиллик учун эса хозирги тўловдан камида 2 млн. сўм камроқ маблағ тўлашига олиб келади. Шу билан бирга, стипендиясиз тизимнинг кенгайиши олий таълим муассасаларида коррупциянинг камайишига ва бошқа турли хил тушунмовчиликларнинг барҳам топишига сабаб бўлади.

Шунингдек, юқоридаги Президент қарорининг 2-бўлим е-бандида олий таълим муассасалари ректорларига (филиал директорларига) бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда чет эл фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини тегишли бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган базавий тўлов-контракт миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш ҳуқуқи берилиши белгиланган. Бу ҳам ўз навбатида олий таълим муассасаларини қўшимча молиявий ресурслар билан таъминлаш имкониятни туғдиради. Олий таълим муассасаларига бундай ҳуқуқнинг берилиши олий таълим муассасаларининг мамлакатимиздаги ва халқаро даражадаги рейтингини ҳамда таълим муассасасаси илмий салоҳиятини оширишга бўлган интилишларини ҳам оширади, ҳам рағбатлантиради. Чунки олий таълим муассасасининг рейтинги ва илмий салоҳияти, қўлга киритган ютуқлари қанчалик юқори бўлса, тўлов контракт суммасининг ҳам шунчалик юқори бўлишига сабаб бўлади. Сабаби халқаро ва маҳаллий рейтингда юқори натижаларга эришиш учун, авваламбор, у ерда сифатли таълим ташкил этилиши, юқори салоҳиятли профессор-ўқитувчилар дарс бериши, илғор хорижий мамлакатлар таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши, мазкур таълим муассасасида хорижда танилган олимлар дарс бериши лозим ҳисобланади. Бу эса бевосита хорижий фуқароларнинг бу таълим муассасаларида ўқишига бўлган талабини ошишига олиб келади. Қанчалик хорижий талабаларни кенг жалб этилиши нафақат мазкур таълим муассасаси учун, балки мамлакат учун ҳам хорижий инвестицияларнинг кириб келишига замин яратади.

Шунингдек, қарорнинг 9-бўлимида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори олий таълим муассасасининг салоҳияти ва ҳудудий жойлашуви, шунингдек, абитуриентларнинг олий таълимга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тўлов-контракт қийматининг Давлат комиссияси томонидан белгиланган минимал бараваридан кам бўлмаган миқдорда олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилашларига рухсат берилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир олий таълим муассасаси ўзининг халқаро ва маҳаллий рейтингдаги ўрни, олий таълим муассасаларида таълим беришнинг сифати, талабалар учун яратилган шароитларга қараб, табақалаштирилган тўлов-контракт суммасини Давлат комиссияси томонидан белгиланган минимал бараваридан кам бўлмаган миқдорда белгилайди, яъни рейтингдаги ўрни, илмий салоҳияти, талабалар учун яратилган шароитлар қанчалик юқори бўлса, тўлов-контракт миқдори ҳам шунчалик юқори бўлади. Чунки бундай кўрсаткичларнинг юқорилиги, таълим муассасасидаги таълим сифатининг юқорилигидан, натижада эса буюртмачилар томонидан мазкур олий таълим муассасалари битирувчиларига бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Бу эса бевосита олий таълим муассасалари орасида талабалар учун рақобатнинг шаклланишига, олий таълим муассасаларининг эса ўз рейтинги ва илмий салоҳиятини оширишга бўлган ҳаракатларини ривожлантиришга олиб келади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридаги таҳлилий маълумотлар натижасида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- мамлакатимизда олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантиришдан асосий мақсад мамлакатнинг барча тармоқ ва соҳаларини олий маълумотли мутахассис кадрлар билан таъминлаш ҳамда ахолининг олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш;

- олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёни ва таълим шакллари ҳам бевосита олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигига ўз таъсирини кўрсатади;

- мамлакатимизда олий таълимнинг сиртқи ва кечки таълим шаклларининг жорий қилиниши олий маълумотга эга бўлмаган ишловчиларни ҳам олий таълим билан қамраб олиш имкониятини яратади;

- табақалаштирилган тўлов контракт миқдорини олий таълим муассасаларига мустақил белгилаш имконини яратилиши олий таълим муассасалари орасидаги рақобатнинг кучайишига сабаб бўлади ва бошқалар.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини ошириш борасида қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- олий таълим муассасаларига нафақат табақалаштирилган тўлов-контракт миқдорини, балки базавий тўлов-контракт миқдорини ҳам мустақил белгилаш ҳукуқини бериш (бунда тўлов-контракт миқдори сунъий ошиб кетмаслиги учун унинг базавий миқдорининг максимал чегарасини ҳам белгилаш зарур);

- олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўз-ўзини молиялаштириш тизимиға ўтказиш;
- олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида таълимнинг кредит тизимини жорий қилиш;
- мамлакатимизда хусусий, хорижий, масъулияти чекланган жамият, жумладан давлат-хусусий шериклик асосидаги, акциядорлик жамиятлари шаклларидағи олий таълим муассасаларини кенгайтириш лозим ва бошқалар.

Шунингдек, масъулияти чекланган жамият ва акциядорлик жамиятлари шаклидаги олий таълим муассасаларининг очилиши ва унда маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг улушга эгалик қилиши, мамлакатимиз олий таълим тизимиға хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилинишига сабаб бўлади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишлиланган маъruzаси.<https://www.gazeta.uz/uz/2016/12/07/speech/>

2. Ngo VanLongFinancing higher education in an imperfect world // Economics of Education Review, Volume 71, August 2019, Pages 23-31

<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0272775717301577>

3. Futaо Huang Higher education financing in Japan: Trends and challenges // International Journal of Educational DevelopmentVolume 58,January 2018, Pages 106-115<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0738059316305685#fn0010>

4. Саймона Маргинсона Global trends in higher education financing: The United Kingdom // International Journal of Educational DevelopmentVolume 58,January 2018, Pages 26-36<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0738059317301748>

5. Д.Рахмонов Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш иқтисодиёт фанлари доктори (dsc) диссертацияси автореферати, Тошкент,2018.

6. Б.Тўйинов Олий таълим муассасаларининг молиявий-иқтисодий таъминотини бюджетлаштириш // Biznes-Эксперт илмий журнали, №12(108)-2016.

7. X.Режапов Олий таълимни молиялаштиришнинг хорижий тажрибалари // Иқтисод ва молия , №9, 2012. 31-35 бетлар

8. Д.Пулатов, З.Хурозов Олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг ҳузуридаги таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини ошириш // Biznes-Эксперт илмий журнали, №1(133)-2019.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли Қарори

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 24 октябрь куни ўтказилган олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб

чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишилган йиғилишдаги нутқи.<https://president.uz/uz/2107>